

7-10-2019

THE ETHICS OF NONVIOLENCE AND ITS ROLE IN STRENGTHENING THE FAMILY

Xakima Gulomovna Mukhitdinova

Senior Lecturer Namangan Engineering – Construction Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mukhitdinova, Xakima Gulomovna (2019) "THE ETHICS OF NONVIOLENCE AND ITS ROLE IN STRENGTHENING THE FAMILY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE ETHICS OF NONVIOLENCE AND ITS ROLE IN STRENGTHENING THE FAMILY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ҒАЙРИЗЎРАВОНЛИК АХЛОҚШУНОСЛИГИ ВА УНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДАГИ ЎРНИ

Мухиддинова Хакима Ғуломовна, катта ўқитувчи
Наманган муҳандислик қурилиш институти

***Аннотация:** Ғайризўравонлик ахлоқшунослиги бу ёвузликка қарши ҳеч қандай куч ишлатмасдан, таҳдид қилмасдан ахлоқийлик нуқтаи назаридан курашишдир. Ушбу мақолада ғайризўравонлик ва унинг мазмуни, унинг ўрганилиш тарихи, оилани мустаҳкамлашда ғайризўравонлик ахлоқшунослигининг аҳамияти, бу хусусида етакчи олимларнинг фикрлари кўрсатиб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** ғайризўравонлик, оила, ахлоқ, этика, таълимот, дин ва ахлоқий қараишлар, назария ва ғоялар.*

ЭТИКА НЕНАСИЛИЕ И ЕГО РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ СЕМЬИ

Мухитдинова Хакима Ғуломовна, старший преподаватель
Наманганский инженерно-строительный институт

***Аннотация:** Этика ненасилие - это борьба с точки зрения морали, не используя никакой силы против зла, не угрожая. В данной статье описывается значение этика ненасилие и ее содержание, история ее изучения, значение этика ненасилие в укреплении семьи, мнения ведущих ученых в этом отношении.*

***Ключевые слова:** ненасилие, семья, мораль, этика, доктрина, религия и моральные взгляды, теории и идеи.*

THE ETHICS OF NONVIOLENCE AND ITS ROLE IN STRENGTHENING THE FAMILY

Mukhitdinova Hakima Gulomovna, Senior Lecturer
Namangan Engineering – Construction Institute

***Abstract:** Ethics nonviolence is a struggle from the point of view of morality, without using any force against evil, without threatening. This article describes the importance of ethics of nonviolence and its content, the history of its study, the importance of ethics of nonviolence in strengthening the family, the views of leading scientists in this regard.*

***Key words:** nonviolence, family, morality, ethics, doctrine, religion and moral views, theories and ideas.*

Инсоният ўз бошидан неча-неча даврларни, тараққиёт босқичларини бошидан кечирди. Ўз-ўзидан равшанки шундай даврлар, замонлар келадики муайян ғоя, таълимот эскиради, унинг ўрнини янгиси эгаллайди. Баъзи соҳаларда

ушбу таълимотлар, ғоялар бутунлай ўзгариб кетса, баъзиларида у сайқалланиб, қайта тўлдирилиб янгича тусда қўлланила бошлайди. Шундай таълимотлардан бири бу – ғайризўравонлик ахлоқшунослиги таълимотидир.

Ғайризўравонлик ахлоқшунослиги XX асрда юзага келган ва у амалиётда муваффақиятга эришган ҳамда ҳозирги кунда ҳам амалда қўлланилаётган таълимотлардан биридир.

Ғайризўравонлик ахлоқшунослиги бу ёвузликка қарши зўравонлик кўрсатмасдан ахлоқийлик нуқтаи назаридан курашишдир.

Маълумки, Шарқда ёвузликни йўқотиш, тўғрироғи, камайтириш, заифлаштириш барча даврларда ҳам асосий ахлоқий муаммо бўлиб келган. Қадимги дунёдаги ва Ўрта асрлардаги Шарқ мутафаккирлари ёвузликни кучсизлаштиришнинг йўли - унга қарши ёвузлик билан жавоб бермаслик, деб билганлар. Улар ўз таълимотларида асосан ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермасликни фақат сабр-тоқат, Худога ташлаб қўйиш орқали амалга ошириш мумкин деб билганлар.

Ғайризўравонлик ахлоқий йўналишнинг ибтидосида XIX асрнинг XIX аср мутафаккири америкалик файласуф-ахлоқшунос Ҳенри Дэйвид Торо (1817 - 1862) туради. Унинг фикрича, зўравонликка қарши курашишни сабр-тоқат ёки Худога ташлаб қўйиш орқали эмас, балки унга қарши курашиш лозимлигини илгари суради. Бу йўналиш доирасида кейинчалик, XX аср бошларида Лев Толстой, кейинроқ буюк ҳинд мутафаккири ва жамоат арбоби Моҳандис Карамчанд Ганди, америкалик руҳоний, файласуф, жамоат арбоби Мартин Лютер Кинг сингари мутафаккирлар изланиш олиб бордилар. Шунингдек, АҚШ олими, профессор Жин Шарп, Польшалик олим профессор Анжей Гжегорчик, Россия олими, профессор Абдусалом Гусейнов сингари замондош олимларимиз ҳам мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб борган.

Мазкур йўналиш асосчиси Ҳенри Дэйвид Торо ўзи ёқтирмаган америкача жамиятдан бош олиб чиқиб кетиб, ўзига қулай ҳаётни танлайди ҳамда ўзининг «Уолден ёки ўрмондаги ҳаёт», «Фуқаровий иттифоқсизлик», «Массачусетдаги қулчилик» сингари мақола ва эсселарида ҳам ғайризўравонлик ахлоқшунослиги ғояларини илгари суради.

Ҳенри Дэйвид Торо ғайризўравонлик инқилоби ғоясини ўртага ташлайди. Биринчиси, ҳамманинг солиқдан бош тортишида кўради. Унинг фикрича, агар минглаб одамлар солиқ тўламаса, у зўравонлик ҳам, қонли чора ҳам ҳисобланмайди; аксинча, солиқ тўлаш давом этаверса, давлатга зўравонлик қилиш ва бегуноҳларнинг қонини тўкиш учун имкон берилган бўлади. Иккинчиси, иш ташлаш, давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришдан бош тортишларидир[1]. Ана шунда тинчлик йўли билан, қонсиз инқилоб амалга ошади. Лекин мазкур босқичлардан аввал ҳар бир инсон ўзини

ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш босқичини бошдан кечириши, яъни ўз онги ва қалбида шахсий инқилоб қилиши зарур. Фақат юксак даражадаги ахлоқий тайёргарликкина пировард мақсадга қўнгиладигдек етказиши мумкин.

Лев Толстойнинг ғайризўравонлик масаласига ёндашуви мазкур йўналишнинг асл моҳиятини очиб беришга қўмаклашади. Буни биз учун маълум маънода ноёб бўлган ҳужжатда – унинг ўзбек зиёлиси Убайдулла Хўжаев билан ёзишмасида кўришимиз мумкин. Толстойнинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовор. «Ёвузликка ёвузлик қилмасликнинг асосида агар бирор киши қайдадир ёвузлик қилса, бу билан битта ёвузлик содир этилади, агар мен ўша ёвузликка қаршилиқ қилсам ва қасос олсам, табиийки, бунинг оқибатида битта ёвузлик ўрнига иккита ёвузлик содир этилган бўлади. Агар мен қаршилиқ қилмасам, ёвузлик қўпая олмайди ва битталигича қолади»[2]. Толстой жавоб мактубининг аҳамияти шундаки унда ёвузликнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам ёвузликдир деб ҳисоблайди. У ёвузликни амалга оширувчи инсонни эмас, балки инсонни сақлаган ҳолда ундаги ёвуз хислатларни йўқ қилиш каби ниҳоятда мушкул йўл тарафдори бўлган.

Торо ва Толстой ғояларини асримизда Ганди ва Кинг янада юксак поғонага кўтардилар.

Ганди ғайризўравонлик ғоясини муҳаббат билан боғлайди ва душманга ҳам меҳрни дариғ тутмасликка чорлайди. Ганди зўравонликни зўравонлик қилиб йўқотиш мумкин эмас, деган фикрни билдириб, шундай дейди: «Инсоният зўравонликдан фақат ғайризўравонлик йўли орқали қутулиши мумкин. Ғазабни фақат меҳр билан енгса бўлади. ғазабга ғазаб билан жавоб бериш ғазабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат қилади» [3].

Мартин Лютер Кинг ҳам худди шундай ғояни илгари сурар экан, АҚШнинг машҳур Президенти Линкольн ҳаётидан мисол келтиради. Линкольн Президент бўлиб сайлангач, ҳарбий вазирлик лавозимига унга бир неча йил давомида қарши фикр билдирган, унга ҳар ёмонлик қилганлигини билса-да Стэнтонни кўрсатади. Орадан бир неча йил ўтгач, Линкольн ўлдирилади. Ўшанда қабр устида у Линкольнни энг буюк инсонлардан бири деб таърифлайди ва: «Энди у мангуликка даҳлдордир», деб ўз нутқини тугатади. Линкольн меҳр-муҳаббат воситасида душманни дўстга айлантирганлигини бир ҳаётий мисолда кўришимиз мумкин. Шунингдек, унинг фикрича: “Қонли курашлар, инқилоблар, террор, қуроли қўзғолон сингари ҳодисалар муайян миллат ва мамлакат эришган ютуқларни йўққа чиқаради, ўлим, вайронагарчилик, маънавий қадриятларнинг оёқости бўлиши сингари улкан фожиаларга олиб келади”[4].

Шунингдек, Шарқдан биринчи бўлиб Нобел мукофотида сазовор бўлган ёзувчи, бангол адабиётининг асосчиси, умумҳинд маданиятининг улуғ намоёндаси, Оврўпа лаҳжасида Тагор номи билан машҳур бўлган Рабиндранатх

Тхакур ўзининг «Гўзаллик», «Гўзаллик ва адабиёт», «Гўзалликни идрок этиш», «Адабиётда оламнинг акс этиши» каби рисола ва мақолаларида ғайризўравонлик ахлоқ фалсафаси тамойиллари ҳақида ўз фикрларини қолдирган.

“Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир” дея таъкидлайди Фитрат. Фитратнинг бу фикридан кўриниб турибдики, у ҳам том маънода ғайризўравонликни илгари сурган десак муболаға бўлмайди.

Юқорида ғайризўравонлик таълимотининг асосий моҳияти ҳамда унинг намоёндалари томонидан бу борада билдирган фикрлари ва амалга оширган ишлари юзасидан қисқача танишдик. Ғайризўравонлик ахлоқшунослиги аввало жамият тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга, тараққиёт самарадорлиги эса оила мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Айтиб ўтиш лозимки, инсоннинг илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, бутун борлиқ, олам ва одам тўғрисидаги қарашлари аввало оила бағрида шаклланади. “Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор, номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Кўп йиллик илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан” [5].

Келажагимиз давомчиси бўлган ҳар бир ёш-авлоднинг ҳар томонлама мукамал бўлиб вояга етишида оиладаги муҳит алоҳида аҳамиятга эга. Оилада эр-хотиннинг бир-бирига муносабати, ота-онанинг фарзандига бўлган муносабати, келажакда ўз натижасини кўрсатади.

Айрим кишилар бошқаларга нисбатан жуда меҳрибон бўлиб, одоб юзасидан муомула қиладилар ва том маънода, бошқалар назарида фозил кишилар сирасига кирадилар. Аммо бу инсонлар ўзининг оила аъзоларига жуда ёмон муносабатда бўлиб, уларнинг қалбларига озор етказдилар.

Ушбу тоифадаги кишилар, балки шаръий нуқтаи назардан, мусулмонлик қоидаларини бекаму кўст бажарарлар, аммо оила аҳлига қиладиган ёмон муомалалари уларнинг ахлоқий жихатдан катта камчиликларга эга инсонлар эканлигини билдиради.

Шарқда оила муқаддас дея эътироф этилиши, хусусан бу ислом дини қадриятларида ҳам кўзга ташланади. Оилада бир – бирига зулм қилмай, аввало меҳр – муҳаббатга асосланиши каби оила мустаҳкам бўлишлигининг энг кичик элементларигача тўхталиб ўтилган.

Ҳадисларда айтилишича: “Агар худо сизнинг амалларингиздан рози бўлиб, ўз марҳаматларини сиздан дариғ тутмаслигини истасангиз, ахлоқий жихатдан

комил инсон бўлиб, аҳли оилангизга яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилинг. Аҳли оилангиз сизни кўрганда ваҳима ва қўрқувга тушмасдан, хурсанд ва шодмон бўлишлари лозим”.

Ривоят қилишларича Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) буюрадилар: “Энг иймонли ва диёнатли инсонлар ўз халқи ва қариндошларига қўлидан келган яхшиликларни қилиб, ўзларининг аҳли оилаларига ўта меҳрибон кишилардир.

Мен аҳли оиламга жуда меҳрибондирман ва сизларнинг ораларингизда энг яхши инсон ўз оила аҳлига ўта меҳрибон бўлган шахсдир. Оила аҳлига қўпол муносабатда бўлган инсон энг ёмон инсондир” [6].

Хусусан бу каби қадриятлар бир неча йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб эъозлаб келинаётганлигини Абдула Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳаттоки кичик фарзандларини ҳам “сиз” лаб гапириши мисолида кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизда “Болани урсанг эти, сўксанг бети” қотар деган мақол бежизга айтилмаган. Оилада бола тарбиясида ҳам ўта қаттиққўлик ва қўпол ҳаракатлар кейинчалик унда девиант хулқ-атвор кўринишлари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Зўравонликка қарши курашда соғлом тан, ақл ва ахлоқ юксак ўринларда туриши исбот талаб қилмайдиган айни ҳақиқатдир. Оилада бола тарбиясида ҳам ана шу уч элементга алоҳида эътибор бериш келажакда ўз мевасини беради. Ахлоқий жиҳатдан мукамал, ўзаро меҳр-муҳаббатга асосланган оила мустаҳкам бўлади. Мустаҳкам оила эса ўз навбатида жамиятни тараққиётининг – асосий негизидир.

References :

1. Toro G. O grajdanskom nepovinoenii / Per s angl. O. V. Albedilya. - SPb.: Aleteyya, 1996. -С.32.
2. Tolstoy L.N. Polnoe sobranie sochineniy.-M., 1957. –С.78.
3. Gandi M. Moya jizn. - M.: Nauka, 1969. -С.56.
4. Luther King M. Stride Toward Freedom: The Montgomery Story. - New York. : Harper & Row, 1958. -P. 98.
5. Karimov I. Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch. – T., Ma’naviyat, 2008. –B.47.
6. Rizo Isfaxoniy. Axloqnoma. -T.,YAngi nashr, 2011. -B.34.